



ОҚШОМ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСIIЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 121 (9.771) 2002 йил 14 октябрь, душанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

САНОАТ

Корхонанинг янги маҳсулоти

«УздЭУавто» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган энгил машиналарга талаб тобора ортиб бормоқда. Бундай транспорт воситалари умрини узайтириш учун хизмат қиладиган турли техник мосламалар тайёрлашга ҳам эришилмоқда.

Бунда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссасдорлик жамияти мутахассисларининг ҳам муносиб улushi бор. Бирлашманинг Фарғонадаги шохбачасида энгил машиналар учун гилдирак дискалари ишлаб чиқаришга киришилганлиги айти мудоа бўлди.

Бундай мосламалар бирлашманинг Швейцариядаги «АБ-ланалл», «Голландиядаги «Фон-тайн», Германиядаги «Айценман», Италиядаги «Эмануэл» фирмалари билан ҳамкорлиги натижасида юзага келди.

Авиасозлар «УздЭУавто» қўшма корхонаси бюртмаси билан яна қатор янги мосламаларни етказиб беришни йўлга қўяди.

Акбар АЛИЕВ

ҚИСҚА САТРАПДА

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида пойтахтнинг мактаблари ҳамда шифохоналарининг шифокорлари иштирокида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури режалари, тиббиёт соҳасидаги ислохотларни тўлақонли амалга оширишга бағишлаб ўтказилган тадбир Республика Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Марказий банкда бўлиб ўтган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун ва уни бажаришнинг механизмлари мавзусидаги амалий семинарда тижорат банклари ходимлари, иқтисодчилар ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

● **ИҚТИСОДИЁТ** ривожига муҳим омил ҳисобланувчи хусусий секторни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган «Салобат» хусусий фирмаси Италия, Туркия билан ҳамкорлиги йўлга қўйиб, айти пайтда 40 хилдан ортиқ мебель маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Яқинда генерал Узоқов кўчасидаги «Гулзор» маҳалласи ҳудудига ушбу фирманинг янги мебель дўкони фойлият бошлади.

● **АКМАЛ** Икромов туман ҳокимлигида тадбиркорлар, солиқ инспекцияси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш масаласига бағишланди.

● **ШУНИНГДЕК**, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида уюштирилган бизнес-форум «Иқтисодиётни эркинлаштиришда тадбиркорлиқни ривожлантириш муҳим омин» деб номланди.

«УМИД ЮЛДУЗЛАРИ — 2002»



Мамлакатимизда йилдан-йилга ёшларимиз орасида санъатимиз гулгунчалари, истеъдодли ҳушовозлар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шундай умидли санъат гуначаларини аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳримизда йил бошидан буй «Умид юлдузлари» фестивали ўтказиб келинмоқда.



Санъатимиз гуначалари куйлашди



Ўтган жума, шанба кунлари «Узқўрғазма-савдо» саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтеледиорадиокомпания, «Ўзбекнаво» эстрада-концерт бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида мусиқа санъати соҳасига кириб келаётган ёш истеъдодларининг «Умид юлдузлари» фестивали учинчи бор ўтказилди. Навбатдаги фестиваль яна ҳам қувноқ ва қизиқarli ўтиб, унда эстрадаимизнинг қўллаб-қувватлаш, истеъдодли санъат ижтимоий ҳаракати катнашиб, дилдан куйлаб, қувнашди. Байрамона безатилган гузал кошонанинг сахнасида турли хилдаги ранг-баранг чироқлар порлаб кечага яна ҳам ўзгача фойз киритиб турди. Фестиваль кечасини М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг 4-курс талабаларининг «Санъат» гуруҳи «Келинг дўстлар» қўшиғи билан бошлаб берди. Шундан сўнг Успенский номидаги мусиқа мактаби ўқувчи қизларининг «Яйра» гуруҳи ижросида «Ўзбекистонда яйра» қўшиғи, М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг 4-курс талабаси Аҳам Солиевнинг «Ноз этма» қўшиғи тинланди. Санъатимиз гуначаларининг юракдан бўлиб ижро этган қуй-қўшиқлари, жозибали рақсларини томоша қилгани келган шаҳримиздаги мактаб, лицей ва коллежалар талаба ва ўқувчилари уларни гулдур соқсақлар билан самимий олқиллаш, жўр бўлдилар. Биз фестивалнинг айрим меҳмонлари ва қатнашчиларини сўхбатга тордик.

● **АВАЗБЕК ОЛИМОВ**, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист: — Бугунги ёшлар фестивалида катнаш-ётганимдан ниҳоятда мамнунман. Саҳнада ёш санъат юлдузларини кўриб, ўзининг илк саҳнага чиққан онларини ёдимга тушди. Мен фестивал қатнашчиларини чин кўнглимдан табриклияман. Келгусида миллий эстрада санъатимиз довуруғини жаҳонга танитадиган юлдузлар қаторида янги номлар, янги ижрочилик кўпайиб боришини тилаб қоламан. Уларга доимо омад ёр бўлсин. Ижод ва изланишдан асло чарчашмасин.

● **САБИНА ХУЖАЕВА, АСАЛ ТОШПҮЛАТОВА, ГҲҲАЛ ТОЖИКУЛОВА**, «Яйра» гуруҳи аъзолари, Успенский номидаги мусиқа мактабининг ўқувчилари: — Биз бугун илк бор «Умид юлдузлари» фестивалида қатнашаётганимиздан кўра хурсандимиз ва ниҳоятда хаяжондамиз. Гуруҳимиз ташкил топганига бир йил ўтган бўлса-да, бадий раҳбаримиз Ирина Тошпўлатованинг сай-ҳаракатлари билан эстрада қўшиқларини, рақсларини ўрганиб келяпмиз. Ўтган давр мобайнида радио ва «ойна жаҳон» орқали

қўшиқларимизни ижро этдик. Қўллаб-қувватлаш, жумладан, Бухоро вилоятида бўлиб ўтган «Универсиада — 2002», «Пахтакор» стадионида ўтказилган битирувчиларнинг байрам кечаларида ва «Нихол» ёшлар танловида ўз қўшиқларимиз билан қатнашдик. Хозирги кунда «Ўзбекистонда яйра», «Орзуларим», «Отана», «Юлдузлар» сингари қўшиқларимиз олинмак муҳлислари томонидан яхши кутиб келинмоқда. Ниятимиз келгусида халқимизга манзур бўладиган кўпроқ янги ва яхши қўшиқлар ижро этиш.

Ха, дарҳақиқат, «Умид юлдузлари» фестивалида янги-янги дасталар, яхшакон хонандалар қўллаб-қувватлаш, ширали овозларнинг ўзига хос чиқишлари, ширали овозлар санъат шайдолари бўлган ёшларга манзур бўлди. Айниқса, бу галги фестивал таънашчилари орасида Ражабийлар сулоласининг давомчиларидан Азиз Ражабий ўзининг «Ширин-ширин», шунингдек, «Диёр» гуруҳи ижросидаги «Қаргалар», М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг 4-курс талабаси Феруза Жуманиёзованинг «Бахтим менинг», Тошкент Давлат мусиқали опера театрининг хонандаси Акмал Саидовнинг Қариялар кадрлаш йилига бағишланган «Қарияларни кадрлаш» қўшиқлари санъатсеварлар қалбига бир олам қувноқ бағишладди.

Тадбир меҳмонлари бўлган танглик санъаткорларимиз — хонанда Севара Назархон, «Ялла» гуруҳи аъзолари ёш санъат гуначаларига самимий тилақлар билдириб саҳнада ўз қўшиқлари билан чиқиб кечага янада фойз ва шодлик бахш этдилар.

— Фестивал янги номлар, янги хуш овозлар, ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни қатнаш санъат майдони сари йўналтириш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини яна ҳам камол топтириш, қолверса ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, умумли ўтказишдек хайрли мақсадларни қўзлаб ўтказилаёттир, — деди биз билан сўхбатда Ўзбекистон халқ шоири, ушбу тадбир сценарий муаллифи Жуманиёз Жабборов. — Ёш иқтидорлар, санъат гулгунчалари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бинобарин, улар орасидан энг муносибларини саралаш ошсон бўлмади. Уйлайманки, фестиваль кутилганидан ҳам яхши натижалар бормоқда. Истардимки, умидли ёшларимиз келгусида санъатимиз осмонда ярқ этиш кўзга ташлансин, порлаб турсинлар. Ўз санъатлари билан муҳлислари қалбидан жой олсинлар.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Умид юлдузлари» фестивалидан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Ўзбекистон — АҚШ академияси очилди

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида жойлашган «Таълим тармоғи» лойиҳасининг ресурс марказида Ўзбекистон — АҚШ академиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Устоз» жамғармаси, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида таъсис этилган мазкур академия Ўзбекистондаги таълим тизимини такомиллаштириш, хусусан, олий ўқув юртиларига дарс бераётган ўқитувчиларнинг малакасини оширишга хизмат қиладди.

Тингловчиларга асосан икки йўналиш — иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш бўйича маърузалар ўқилади. Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида иқтисодиёт ва бизнес йўналишида дарс берувчи ҳар қандай мутахассис академияда тахсил олиш ҳуқуқига эга. Инглиз тили ва касбий малака бўйича имтиҳонлардан ўта олган икки юз нафар ўзбекистонлик ўқитувчи уч-уч ярим йил давомида икки ва макроиқтисодиёт, кишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти, иқтисодиёт тарихи, бухгалтерия ҳисоби, менежмент каби соҳалардан илмий маърузалар тинглайди. Академиядаги таълим жараёни жаҳоннинг энг етакчи олий ўқув юртилари дастурлари асосида тайёрланган бўлиб, тингловчиларга АҚШ ва Европа давлатларидан тақлиф этилган юқори малакали мутахассислар, иқтисодчилар дарс беради.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С.Ҳулмонов мазкур академия мамлакатимиз Президент Исом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил баҳорда АҚШга расмий ташрифи давомида имзоланган ҳужжатларда икки мамлакатнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган эди. Ўзбекистон — АҚШ академиясининг тузилиши ана шу ташриф самарасидир.

Истиклол йилларида ўзбекистонлик икки ярим мингдан ортиқ йигит-қиз АҚШ олий ўқув юртиларида тахсил олиб қайтди. Уларнинг бир қисми АҚШ ҳўкумати томонидан ажратилган грантлар, қолганлари эса «Умид» жамғармаси орқали юборилган талабалардир. Ўзбекистон — АҚШ академияси мамлакатимизда таълим соҳасини янада такомиллаштиришга ва шу орқали юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга хисса қўшади.

(У.А.)

ТЕННИС

Осиё чемпионатида кучлилар беллашади

Нафақат Ўзбекистонда, балки Шарқий Осиё минтақасида илк бор ташкил этилаётган Осиё чемпионати эшик қокмоқда.

БУГУН

тушдан кейин Тошкент теннис марказида чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан кеча «Шератон Тошкент» меҳмонхонасида қатнашчилар, Осиё теннис федерацияси мутасаддилари ҳамда журналистлар иштирокида қўрға ташлаш маросими ва матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Курбонов ушбу нуфузли турнирнинг Ўзбекистоннинг спорт ҳаётида унўлмас сўхбалардан бири бўлиб қолишини таъкидлаб, унинг иштирокчиларига омад тиллади.

Осиё теннис федерациясининг ижрочи директори жаноб Шунругам Утратип сузининг аввалида ўзбек теннисчиси Ирода Тулагонанинг Осиё ўйинларидаги улкан муваффақиятини қувноқ билан тилга олди, Осиё чемпионатининг бу йилдан бошлаб соврин жамғармаси 70 мингдан 100 миң АҚШ долларига кўтарилгани, бинобарин, унинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги солиби катта дубулга туркумига кирувчи Австралия очик чемпионатида қатнашиш учун «Wild card»ни қўлга киритиши мумкинлигини таъкидлади. Чемпионатни кўтаринки рўҳда ўтказиш учун кенг қўламади сай-ҳаракатларни амалга ошираётган Ўзбекистон теннис федерацияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига миннатдорчилик билдириди.

Сўнг мусобақа супервайзери Ноа Коватей қўрға ташлаш тадбирини ўтказди. Шунга айтиш керакки, Ўзбекистон турнирда меҳмон давлат сифатида ўзининг кўлини теннисчилари билан иштирок этмоқда. Жумладан, қўрға натижаларига қўрға Олег Огородов ва Вадим Кученко биринчи босқичдан беллашувисиз ўтсалар, Дмитрий Мазур, Алексей Кеджор (Қозғистон) билан Сарвар Икромов Мустафо Чўйе (Қиндистон), Мурод Иноятов Суваиди Суваиди (Индонезия), Дмитрий Томашев эса тожикистонлик Сергей Макашин билан беллашади.

Аёллар ўртасида ҳамюртларимиздан Алина Арутюнова хитойлик Луи Шингинг билан, Елена Мамутова Филиппин вакили Анна Патрика Сантос, Оқул Омонмуродова ҳиндистонлик Саня Мирза, Анна Шулак Савондари Вуксираси (Индонезия), Иванна Исроилова эса туркменистонлик Жанетта Халлиева билан дастлабки ўйинда ўзаро куч синашади. Учта жуфтликда эса ўзбекистонликлар — Элеонора Ситимилова, Александр Сорокатяга билан, Кристина Солодовникова Наргиза Ибрагимова билан ва Елена Раёцева Аглия Кокурина билан галаба учун кураш олиб боради.

Шунингдек, турнирда эркаклар ва аёллардан ташкил топган аралаш жуфтликлар ҳам қатнашади.

Ун беш мамлакат теннисчилари иштирок этаётган Осиё чемпионатининг ярим финал ўйинлари шанба кунини ўтказилса, 20 октябрда аёллар ва эркаклар ўртасида финал беллашувлари бўлиб ўтади.

(У.А. мухбиримиз)

XIV ОСИЁ ўЙИНЛАРИДА

Боксчиларимиз муваффақияти

Газетамизнинг олдинги сонидан юртимиз спортчилари еттига олтин нишонлар соҳиблари бўлганиларини айтиб ўтганда, ўтган уч кун ичида спортчиларимиз голибалари шарафига яна саккиз бор давлатимиз мадҳияси ангради.

Кутилганидек терма жамоамиз жағмарасига саккизинчи олтин медални етакчи теннисчимиз Ирода Тулагонани ўзининг финалдаги ажойиб галабаси орқали келтирди.

Шанба кунини байдарка ва каноеда эшик эшувчиларимиз учун муваффақиятли кун бўлди. Жумладан, Жаҳон Кубоги соҳибари Антон Ряхов 500 метр масофага бир кишилик қайиқда сузиш баҳсида голиб чиққан бўлса, 4 кишилик қайиқда аёлларимизнинг ажойиб туртлиги Надежда Пишулина, Юлия Борзова, Татьяна Левина ва Антонина Москалёвалар ҳам ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Юлия Борзова кумуш нишонларини ҳам қўлга киритди.

Қарата бўйича баҳсларда ёш бўлишларига қарамастан етакчи усталар билан тенгма-тенг кураш олиб борган яккакураш усталиримиз Отабек Қосимов кумуш, Илҳом Каримов эса бронза нишонларининг соҳиблари бўлишди.

КЕЧА

шубҳасиз Осиё ўйинларида юртимиз спортчилари учун жуда омадли кечди. Бинобарин, олти нафар боксчимиз финалга чиққан бўлса, шулардан беш нафари — 80 килограммгача вазнда ўз рақибини 27:17 ҳисобида катта устунлик билан енганди Дилшод Махмудов, 75 килограммгача вазнда 3 раундда катта устунлиги эвазига мудардидан олдин галаба қозонган ўткирбек Хайдаров, 81 килограммгача вазнда майдон эгаси Жанубий корейлик боксчи устидан устун келган Икром Бердиев, 91 килограммгача вазнда эса Сергей Михайлов иккинчи бор Осиё ўйинларининг голиби бўлган бўлса, ниҳоят 91 килограммдан юқори вазнда Рустам Саидовлар олтин нишонларни қўлга киритишди.

Шундай қилиб, ўн беш олтин, ўн икки кумуш ва йигирма тўртта бронза нишонларига эга юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринга кўтарилди. Осиё ўйинлари бугун ўз ниҳоясига етди.

У.А. мухбиримиз

ОБУНА — 2003

Янги 2003 йилда «Оқшом» билан бирга бўлинг!

2003 йилга обуна нархи

1 ой		3 ой		6 ой		йиллик	
абонент қутисига	манзилга	абонент қутисига	манзилга	абонент қутисига	манзилга	абонент қутисига	манзилга
якка тартибдаги обуначилар учун нашр қўрсаткичи — 209							
1865	2082	5595	6246	11190	12492	22380	24984
ташкilotлар учун нашр қўрсаткичи — 563							
1973	2407	5919	7221	11838	14442	23676	28884

Хотима ШАЙХОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор:



— Истиклолимиз туфайли миллий кадриятларимиз кадрлари, аъёнларимиз қайта тикланиб эъзоланмоқда. Бугунги кун аёлининг бахти кулган. Ҳамма соҳада аёллар илгорлик намуналарини кўрсатишмоқда. Бундан қувонмай бўлмайди, албатта. Шундай фаровон замонда яшашганимиз — бу бизнинг бахтимиз. Лекин, айрим ҳолларда баъзан учраб турадиган нуқсонлардан кўз юмиб кетолмайсан киши. Бугунги суҳбатимиз мавзуси хотин-қизларимизнинг кийиниш маданияти, келинларимизнинг тўй либослари ҳақида борар экан, аввало шуни айтиш керакки, кийим инсоннинг суратини эмас, балки унинг бутун ички дунёсини сийратини ҳам кўрсатадиган нарса. Агар инсон кийиниш одоби, маданиятини яхши билса, ўзида шарму ҳаё, одамларга нисбатан муносабати яхши ривожланган бўлса, уша одам кийим кийишда ҳам эътиборли бўлади. Одамларга кийинишга қараб баҳо бериш мумкин. Ахир бачкана, ўзига ярашмаган кийим кийган аёлларни кўрганимизда, уларни енгилтақ деб ўйлашларини наҳот улар тушунишмаса.

Замонага қараб кийинишнинг шакли шамойили, мазмуни ҳам ўзгариб, ривожланиб боради, албатта. Мана, оналаримиз, момоларимиз кийган кийимларни ҳаммасини ҳам ҳозир қийармаймиз. Илгари 50-60 ёшдан кейин аёлларимиз доқа рўмол, жуда бўлмаса кичик дуррача ўрашган. Бу билан аёллар фақат шундай қилишсин, демокримасан. Лекин ёшига қараб, дид билан, ҳаё билан кийиниш, сочини ҳам ёшига муносиб турмаклашга эътибор бериш лозим. Кийиниш маданияти деганда мен, аввало ёшига қараб, миллатимизга мос ва хос кийинишни тушунаман. Баъзилар кўпчилик ўзи учун кийнади, деб айтади. Йўқ, киши ўзи учун эмас, ўша атрофдаги, муҳитдаги муносабатга эга бўлиш учун кийнади. Орасталик — бу маданиятнинг энг юқори чўққиси. Лекин ораста бўлишнинг ўзинга етарли эмас. Кийиниш одобиға рияз қилиш, сочларни ҳам ёшига қараб тартибли турмаклаш лозим. Майли ёшларимиз замонавий кийинишини, лекин ҳаё, андишани нутишмасин. Бу борада оналар қизларига аввало ўзлари намуна бўлиб, уларга нисбатан эътиборлироқ бўлишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фарида АБДУРАХИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси:




— Ҳақ гапни айтдингиз, Хотима опа, фикрингизга қўшиламан. Маданиятликнинг асосий белгиларидан бири, бу — кийиниш одобидир. Кимнинг қандай кийинганигига қараб, унинг дид-фаросати, моддий ва маънавий даражасини, ҳатто касбини ҳам аниқлаб олиш мумкин. Хотин-қизлар табиатида кийиниш, безаниш, тақинчоқ тақиш тушунчалари турмушнинг асосий кўринишлари қаторида туради. Кийиниш кишининг нафақат ташқи кийфасини, балки ички маънавий дунёсини, қайси миллатнинг фарзанди эканини ҳам кўрсатиб туради.

Халқимизда шундай гап бор. «Кийимига қараб кутиб олишадди, ақлига қараб кузатишадди». Мана, бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат кўрмоқдамиз. Жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Хотин-қизларимизга давлатимиз томонидан катта ҳамқўллар кўрсатишмоқда. Манами миллийлик билан бирга замонавийликни ҳам қўриб олиб боришимиз керак. Бу тарафига ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Фақат бундай кийинишнинг деган ниътишимиз ҳам йўқ. Келинларимизни миллий либос кийиши учун қизларимизни оиладан, мактабдан, лицей, коллеждардан бошлаб ўзбекона миллий руҳда кийинишларига эътибор беришимиз лозим. Яқинда бир тўйга бордик. Тўйда уч-тўрт киз ўртада ўйнашди. Уларнинг кийган кийимлари ниҳоятда қалта, тор, орқалари шундоқ очик. У ерда отаси тенги қатталар ўтиришди. Қизларнинг беҳабларча ҳаракатлар билан ўйнашларини кўриб дилимиз хира тортиди. Шундай ёш, гўзал қизларда ҳаё, андиша деган фазилатлар йўқолди, деб аччидик.

Бугунги кунда миллий кийимлар, келинлар либоси ҳақида кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Келинларимиз нима учун тўй кунини ўзбекона миллий ҳам замонавий руҳдаги кийимлар кийиш ўрнига европача ҳаммаёғи очик либосларни танлаб, қимматта сотиб ёки ижарага олишяпти. Ахир ўзимизда ҳам оқ матодан чиройли либослар тикиб, тарғиб, ташвиқ қилсақ бўладики. Бунинг учун аввало «ойнаи жаҳон» орқали яриям яланғоч либослар рекламасини кўрсатишни ўйлаб кўриш, кўпроқ ўзимизнинг миллий, ўзбекона тўй либосларини тарғиб қилиш керак, деб ўйлайман. Шунингдек, бу мавзунини ҳар бир маҳаллада, «Оила» марказларида, ФХДЭ бўлимларида муҳокама қилиш лозим.

Лялинон МУХАММАДЖОНОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хотин-қизлар кўмитасининг раиси:




— Ҳаё, ибод, андиша аёллар, қизларнинг ҳуснидир. Бундай фазилатларсиз уларни тасаввур қилиш қийин. Яхши хулқи, одоби аёл андишаси, виждонли бўлади. Мен университетда кийиниш, юриш-туриш одобидан дарс бераман. Кўпроқ қизларга эътибор бераман. Мен кўпроқ япан ва корейс халқларини кузатаман. Улар миллийлигини йўқотишмаган, унуттирмаган. Ким бўлишидан қатъи назар икки бүклиб салом беришадди. Хайронман, баъзи ёшларимиз орасида иккита русча сўзни қўшиб гапириб, ўзини маданиятдан деб ҳисоблайдиганлар ҳам кўп. Бизнинг кийинишимиз, юриш-туришимиз, сўзлашимиз ҳам миллий кадриятларимизга бориб тақалади-ку. Биз ёшларимизга аввало ўзимиз намуна бўлишимиз керак. Афсуски, баъзан ўзига тўқ яшайдиган кишиларни билмасди, уларнинг қизлари, келинларининг ҳам юриш-туриши, кийинишини кўрсангиз, кеҳирасизу ҳеч кимга намуна бўла олмайдди. Шунинг учун биз аввало оналаримизни тарбиялашимиз зарур. Амалда бошқа, китобда бошқа бўлмаслиги керак.



Ақида АЗИЗОВА, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг бош мутахассиси:

— Донишмандларнинг шундай гапи бор. «Хотинларнинг энг гўзали — ҳаё ва ифбат пардасига ўралганларидир». Жуда ҳақ гап. Менимча, бугунги кунда хотин-қизларимиз ичидан бироз мана шу ҳаё, ифбат деган тушунчаларни унутиб қўётганлар учраб турмоқда. Тўйларга ҳаммамиз ҳам борамиз. Тўйда шундай ҳолларни кўраимизки, баъзи қизлари билан келган оналарнинг ўзлари кизларидан кўра бачкана кийинишган, тор қўйлақ, унинг икки ёни очик ҳолда ўртадан чикмай роса ўйинга тушиб масҳара бўлишадди. Бундай онанинг қизи келгусида онасидан нимани ўрганади, қандай тарбия олади.



Узим маҳаллалар бўйича хотин-қизлар билан иш олиб бораман. Шу мавзуда аёллар ўртасида жуда кўп суҳбатлашаман. Маҳаллаларда яна ҳам кўпроқ одоб-ахлоққа доир тадбирлар, оила, ота-она бурчи, қизлар тарбиясига оид мавзуларда суҳбатлар ўтказиш керак деб ўйлайман. Қадимдан бизнинг ўзбек аёллари, қизлари шарқона ҳаё, ибод сингари фазилатларга эга бўлишган. Қизларимиз келгусида ақл фаросатда, одобу ҳуснида тенги йўқ гўзал, оилада бахти бекам бека бўлишларини истардим.

Келинларнинг либоси ҳақида мен ҳам бошқаларнинг фикрига тўла қўшиламан. Менимча ўзимизда миллатимизга хос замонавий тўй либосларини тикиб кўпроқ реклама қилиш керак. Ҳадеб чет мамлакатларнинг тўй либосларини реклама қилишни қамайтириш лозим.

Озода КАРИМОВА, Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:



— Бугунги давра суҳбатига кўтарилган мавзу менимча жуда долзарб. «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бейхиз айтилмаган. Оила деб аталмиш муқаддас даргоҳда тарбияланаётган ўғил-қизларимиз одобу ахлоқ, кийиниш, сўзлашиш, муомала маданиятини аввало ўз оиласида ота-онасидан ўрганади. Оналар ҳар томонлама қизига намуна, ўрнақ бўлишлари керак. Мана ҳозирги кунда коллеж, лицейларда ўқувчиларга бир хил кийим жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Бу авваломбор қизларнинг ота-оналари учун ҳам ихтисодий жиҳатдан қулай, шунингдек, ўқувчиларнинг диққат-эътибори кўпроқ дарса бўлиб, уларнинг билим олишлариға ижобий таъсири катта. Гоҳида баъзи ёш қизларнинг уйда ота-онаси, акалари олдида тор, қалта қўйлақ ёки шортида юрганларини, баданиға ёпишган тор майка, кофталар кийганликларининг гувоҳи бўляпмиз.

Биз ҳам тўйга борамиз

ёки аёллар ва қизларнинг кийиниш маданияти ҳақида



Халқимиз тўй-ю тантана, меҳмондорчилик, хурсандчилиги хуш кўради. Албатта меҳмондорчиликка, тўйми, турли зийфатгами бормоқчи бўлсак қандай кийим кийиш ҳақида ўйлаб кўраимиз. Ҳоҳ эркаклар бўлсин, ҳоҳ аёллар, қизлар... Ҳар ким ўз дидига яраша либос танлайди, сотиб олади ёки тикувчиға мурожаат қилиб тиктиради. Бу соҳада аёлларимизга етадигани бўлмаса керак. Айни кунларда юртимизда тўй-ҳашамлару, зийфатлар, турли меҳмондорчиликлар бисёр. Ахир бу тантаналарга бориш учун албатта янги ва энг қимматбаҳо кийим кийиш зарур, деб бозорға, тикувчиға югуришга тушадиган аёлларимиз, қизларимиз йўқ эмас. Сендан қоламанми, мен сендан яхшироқ кийинишни керак, дегувчи баъзи молларат аёлларни кўрсангиз, улар гўё ўзларини бозорға солиб қимматбаҳо кийимларни, тилла тақинчоқларини ҳаммага кўз-кўз қилиш учун борганга ўхшайдилар. Бу ҳам майли ҳозирги кунда тўйларда борганда эътибор билан қарасак хотин-қизларимизнинг, ёш келинчаларнинг либосларини кўриб, ҳайратга тушасиз. Аммо кўзини, онгини парда босаётган айрим аёллар, қизларимизни кўриб кўнгилларимиз бироз хира бўлмоқда.

Яқинда дугонам бир воқеани гапириб берди. Дугонанинг отаси не-не орзу-хаваслар билан ўғил ўйлантирибди. Ўғли келинини ўзи ёқтириб, топган. Онаси совчиликка борган ва қизнинг ўзларидан анча бадавлат хонадондан эканлигини кўриб норози бўлган. Оддийгина кийини чиккан қизни кўргач эса розилик бермай иложи бўлмаган. Ҳамма томоша ниҳоят кўп қўйи қўйган. Карнай-сурнай навалари остида кириб келган кўвнинг ёнидаги келинчаларнинг либоси кўёв томоннинг ҳайратини оширдиган оширган. Оппоқ либосли келинчаларнинг бир елкасида ингичка гулли лента, иккинчи елкаси шундай очик, орқа томонига белгича кўриниб турибди. Бу ҳам майли-я, ўзини ҳаммага кўз-кўз қилиб келган келинчаларнинг бошини тик тутиб қиришини кўрган тўйхонадагиларнинг кўпчилиги «Вой беаълигини...» деб ўборишди. Бу ҳолатдан кўвнинг ота-онаси галати ахволга тушибди. Буни ҳам отамагандек, тўйнинг ниҳоясида келин бола юзларини очиб, кўёв билан «танца» тушаётганда хунук манзара рўй беради...

Бу гапларни эшитган ўйланиб қолсан киши. Бу ҳолга ҳар ким ҳар хил баҳо бериши мумкин, албатта. Баъзилар «замонага яраша-да» дейиши ҳам мумкин. Аммо замонага яраша» деб ҳаё, андишани унутиб қўётган баъзи ёшларни кўриб ўйланиб қолсан киши.

Тахририятимизда шахримиздаги фаол хотин-қизлар ўртасида худди шу мавзуда бўлиб ўтган қизгин давра суҳбати ҳам турли баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Қўйида давра суҳбати иштирокчиларининг шахсий фикр-мулоҳазаларини оқшомхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Ахир бундай ҳолда бу киз ўй юмушларини қандай бажаради. Ноқулай эмасмикун? Ота-она наҳоти қизларининг эртага бошқа оилага бориб, унинг бекаси бўлишини, қайнотаю-қайнона, қолаверса турмуш ўртоғининг атрофида парвона бўлиб, уларга ширин таомлар пишириб, қирларини ювиб, дазмонлаш каби зиммасидаги келинлик вазифаларини тўла адо эти олишларига шубҳа қилмаётган бўлсалар. Ахир кун бўйи фақат ўзига оро бериб, тирноғини ўстириб, сочини бўяб, кўчадан бери келмай юрадиган қизлар эртага қандай келин, қандай она бўлишадди. Мана шундай қизлар тўй кунини ҳам ўзларининг айтганларини қилдириб, кўёв томонга бир қуллик тўй учун балинд нарҳга келинлик либоси — никоҳ қўйлағи, яна қанақа денг, ҳаммага очик, шармсиз қўйлақлар олдиришмоқда.

Гулнора ЙЎЛЧИЕВА, Тошкент шаҳар «Оила» маркази раиси, Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари:

— Кўп йиллардан буён хотин-қизлар билан ишлаб келяпман. Қувонарли томони шундаки, аёлларнинг маънавияти юксалиб бормоқда. Ҳар жабҳада ўзларини кўрсатиб намуна бўлаётган ишбилармон, тадбиркор аёлларимиз, қўли гўл чеварлар, ширинсухан шифокорлар, ўқитувчи, мураббийлар, эҳе уларни санаб адоғига етолмаймиз. Лекин гурч курмақсиз бўлмаганга, орамизда баъзан ўзининг қимлигини унутиб қўётган энгилтабат аёллар, қизларни ўчратиб қоламиз. Улар ўзларининг бачкана, ёшига номуносиб бейхиз кийимлари, ўзларини тутишлари билан атрофдагиларнинг эътиборини тортишмоқда. Тўйга оланган аёллар, қизлар аввало ёшига муносиб ҳолда дид билан кийиниб боришса, албатта, ўзлари ҳам хотиржам, бемаъл ўтиришадди. Қиз бола одоби, шарм-ҳаёси билан гўзал кўринадди. Шунинг учун ҳам қизларни илгиридан миллатимизга хос,

ўзбекона кийинишга ўргатиб бориш керак, деб ўйлайман. Кийиниш маданиятини шармсиз кийимлар кийиш деб тушунадиган баъзи опа-сингилларимизга очик айтишимиз керак, биз шарқ аёлимиз, бизнинг ор-номусимиз, ориятимиз, шаънимиз ҳамма нарсасдан устун туриши керак. Бошқалардан ажралиб турадиган сифатларимиз, фазилатларимиз ҳам ана шундай. Кийинишимиз ҳам, юриш-туришимиз ҳам миллатимизга мос бўлиши керак.



Нодира УМАРОВА, Собир Раҳимов туман ФХДЭ бўлими мудири:

— Келинлар либоси ҳақида гап кетар экан, мен ҳам анчадан буён шу ҳақда кўп ўйлаб келаман. Нима учун ўзбек қизлари учун ўзимизда чиройли оқ матодан тўй либослари тикилмайдди. Фақат европаларни кийдиган келин либослар урф бўлган. Қувларимиз ўзбек миллий зардузи чопон, салла кийиб келсаларда, ёнларида миллатимизга хос бўлмаган ҳамма ёғи очик қўйлақ кийган ҳолда келин бўлса, бу албатта қизиқ ҳолат. Ўзбеклигимиз, қизлардаги ҳаё, латофат қарға йўқолмоқда.

Бир хонадонга яқинда тўйга бордик. У хонадонда хизмат қилиб юрган ёш қиз, жувоилари бир хил атлас қўйлақда кўриб ҳавасимиз келди. Жуда чиройли, ўзларига ярашган. Тўйхонага кириб келган келинчаларнинг либоси ҳам ўзбекона, оқ матодан замонавий тикилган эди. Туман ФХДЭ бўлимида иш фаолиятимизда бундай ҳолатларни кўп учратаман. Баъзи бир келинчаларнинг либослари анча сипо, чиройли, баъзилариникини эса кўриб хайрон қоласиз. Елкасида умуман ҳеч нарса йўқ, очик, орқа томони ҳам белгича очик, қўллариди, оқ қўлқоп, худди европалик «оймча» дейсиз. Шундай келинлар ҳам бор, улар умуман юзларини очиб, чакчаларига фақат оқ гул тақиб келишадди. Ўзбек келинларига хос назокат, ҳаё қавққа йўқолмоқда.

Фотима НИҒМАТОВА, Тошкент тўқимачилик ва энгил сановат институтининг «Тикув буюмларини лойиҳалаш ва дизайн» кафедраси мудири, доцент:

— Кийиниш маданияти тўғрисида гап борар экан, фикримча ёшларнинг ўсимирлик даври катта аҳамиятга эга. 14-15 ёшда болалар қандай кийинишни ўзлари ҳам билмайдилар. Ота-оналарнинг қўзига болаларни кичик кўринишса керак балки. Бирданига уларга бошқача кийим — ҳамма ёғини беритиб турадиган либос кийишга кўндириб бўлмайди. Улар очик кийимлар кийиб ўрганишган. Лекин ташқаридан қараган киши «Ия, бўйи етиб қолган қиз нега бундай очик кийим кийган?» деб ажабланади. Шунинг учун мактабда эстетика, одобнома дарсларини кўчурроқ ўргатиш керак. Ўсимирликдан балоғатга етиш даврида ота-оналар, маҳалла, ўқув юрталарида қизлар ўртасида суҳбатлар ўтказиш, уларнинг тарбиясига катта эътибор бериш, ота-оналар йиғилишини ўтказиб туриш, қизлар одоб-ахлоқи, кийинишларига аҳамият бериш лозим.

Гулчехра ОЛИМЖОНОВА, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти раиси:

— Биз ҳам ёшмиз. Ҳозирги айтилган фикрларга тўла қўшиламан. Ёшлар тарбияси, кийиниш одоби ҳақида менинг фикрим қўйишадди. Ёшлар замонага қараб кийинишадиги, деди баъзи қизлар. Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган сабаблардан бири, бу — «ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилинаётган турли чет эл баҳо фильмлари, сериаллар деб билиш мумкин. Баъзи ота-оналар бундай беҳаё фильмларни фарзандлари билан бирга ўтириб томоша қилишадди. Бундай фильмларни кўришни ман этишмайди. Мана ҳозир кўп нарса европадан бизга кириб келяпти, дейимиз. Лекин ўша европаларнинг бизнинг шахримизда юрганларини ҳам кўряпмиз. Улар оддий шим, кофта кийганликларининг шохидимиз. Шундай экан, ёшлар тарбиясига аввало ота-она масъул, жавобгар.

Маҳбуба ҚУРБОНОВА, шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича услубчиси:

— Кийиниш ҳақида гап бораркан, ўйлайманки, аввало қизларга мактабдан эътибор бериш керак. Мана, мактабларда низом бўйича либос кийиш жорий қилинган. Лекин баъзи қизлар мактаб формасини киймай, ўзлари хоҳлаган кийимларда келишадди. Улар ўқитувчиларнинг гапига қўлоқ солишмайди. Ота-оналарини қаҳирсангиз, умуман мактабдаги йиғилишларга келишмайди. Мана шундай ёшлардан ҳеч кимни менсимайдиган қизлар келгусида қандай инсон бўлиб етишадди.

Мен ўзим мактабда мусикадан дарс бераман. Дарс жараёнида аввало ўқувчиларнинг, айниқса қизларнинг ташқи кўринишига, кийинишига, орасталлиғига ҳам эътибор бераман. Баъзиларини тартибга қайтариб, танбёх бераман. Бола бошидан, деб беқор айтишмайди. Фарзандларимиз ёшликдан нимага ўргатишса, шуни ўрганишадди. Айниқса, қизлар аввало оилада онасидан, қувларига мактабда ўқитилган аёл нарсаларини ўрганиб қамолга етади. Бугун келин либослари ҳақида яхши фикрлар ўртага ташладим. Менинг назаримда энг яхши келинлар либоси кўрик танловларини ўтказиш керак. Бу либосларда ўзимизнинг миллийлигимиз акс этиб турса кўнгилдаги иш бўларди.

Сўнгги сўз ўрнида Ушбу давра суҳбатига ҳаммашарҳларимизнинг ўртага ташлаган фикр-мулоҳазалари, ўзаро баҳс-мунозараларини эшитиб бу ҳақда яна қўйлаб учрашувлар, давра суҳбатларини маҳаллалар, мактаб ва лицей, коллеждар ҳам тез-тез ўтказиб туриш катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, бугунги кунда нафақат ёш қизлар, балки баъзи аёлларимиз ҳам ўзларини ўта маданиятли қилиб кўрсатмоқчи бўлиб юкча матолардан тор, қалта, икки ёни ёки орқаси очик, баданлари шундоқ кўринадиган кийимлар кийиб, қол-қора сочларини ҳам қўзатиб, сарик рангларга бўёб, бачканалашиб кетмоқдалар. Бундай оналарнинг қизларидан нимани куттиш мумкин. Улар оналаридан ўн чандон олдинга ўтиб кетишган. Уларни кўрсангиз ўзбек қизи деб ўйламаясиз. Тор шим, кўраги очик кофтами, ёки елкаси бутунлай очик тор қўйлақ, баъзилари елкасига номига юкча шарф ташлаб қўйилган. Қўлқоллари эса бир эмас, қатарсиз 2-3 та зирак. Қўлларининг ҳар бир бармоғида узук, бўйинлариди қалин тилла занжир. Бундай ёшлар бу кийим, қимматбаҳо тақинчоқларни қайси даромадларига олганларига хайрон қолади киши. Уларни маданиятли аёл, маданиятли қиз деб атаб бўлармикан. Бу ҳолатга балки ҳақиқатан ҳам чет эл сериаллари сабаб бўлаётгандир. Ёки бўлмаса айрим ёш санъаткорлар, хонадаларимизнинг гаройиб кийимда чиқишлари қизларимизда балки ҳавас ўйғотаётгандир. Келинчаларимизнинг либос танлашларига ҳам балки шу сериаллар, телеэкран орқали намойиш қилинаётган тўй либослари рекламалари сабаб бўлаётгандир.

Бугун биз кийиниш маданияти ҳақида айрим фикрларни эшитдик. Азиз ва муҳтарам аёллар, опа-сингиллар баҳс-мунозараларга бой бугунги мавзу ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни кутиб қоламиз.

Давра суҳбатини Дилором ИКРОМОВА ёзди олди.

Оз-Оз ўрганиб домо бўлар...

● Гийбатчининг қилган гийбати ҳеч вақт пинҳон қолмайди, бу гийбат охири гийбат қилинган кишилар қулогига етади. Натижада гийбатчининг сири кундан-кунга очилаверади ва обрўйи пастлайверади. Эй азизим, ҳар нарсанинг бир кири бўлганидек, тилнинг кири гийбатдир. Гийбат сўзлари бировга нисбатан бўлган ҳийла ва ҳасад ўтидан пайдо бўлади. Бу эса мунофиқ кишилар одатидир. Сен имкони борича бу ёмон феълдан қутулиш йўлини қидир. Донулар аятадиларки, гийбатчи ҳеч қачон мақсадига етмайди, ҳосил бўлган умид гулини теролмайди.

Байт: **Биродар, ҳар кимки айласа гийбат, Лойикдир ундайга дейилса лаянат. Кир изловчи жойи жаҳаннам бўлар, Гийбатчи билсан бу ҳам кам бўлар.**

● Ҳокисорлик фозил кишилар хислати ва камтарлик доно кишилар фазилатидир. Айтишларича, тупроқда шундай хислат бор: унга дона ташласалар бошоқ беради, бошоқ ташланса хирмон ҳосил бўлади. Эй азиз, тупроқ бўл, токи сендан гул униб чиқсин!

ҲИКОЯТ. Бир кун тороқ билан ойна ўзаро баҳслашиб қолдилар. Тороқ таъна учун оғиз очиб деди: — Эй, худбинлик манбаи, эй, ҳар ерда санқиб юрвучи пастшак тошдил, мен билан одоб тугиб гаплаш, ўз сирингни ўзинг беҳуда очма! Гарчи кўринишдан тиниқ сув каби покиза кўринсанг ҳам, аслида бир саробсан! Қаерда бўлмагин, кимки сенга бир бор боқса ўша билан тил топишиб кетаверсан! Шунинг учун ҳам бир шоир қуйдаги байтини тўғри айтган:

Қарагил, бу чинни ойна синди, Хўл бўлди, манманлик асбоби тинди. Ойна тарқинг гапларини эшитти, унга шундай деди:

— Эй, тили узун, оғзи сўкилган, эй, бағри тилинган қуруқ ёғоч, ҳар кимнинг ишига беҳуда ҳаёл билан эмас, қуқур тафаккур билан қара! Мен бир парча темиру-ойна бўлсам-да, гоят камтар ва ҳокисорлигимдан махбўб жамолиға етдим. Сен эса Заҳҳаб каби ёмонлигини учун бўйиниғиға иккита қора илон (соч ўрими) ўралиб олган, бахти қаро бўлганин учун ҳам қора нарса ичиди пинҳонсан! Шунинг учун махбўбларнинг боши устига қичиб олсанг ҳам, тўнтарилиб, оғзинг ерга қараб, оёғинг осмонга бўлиб туради. Билгинки, ким нима яхшилик топган бўлса, камтарликдан топган!

● Беҳуда ва бемаврид қулиш ёмон оқибатларга дучор қилади. Гунча чаманда беҳуда қулгани учун ел уни поралаб кетади.

Байт: **Бир кун гулоб олиш учун боргандим, Қизил гулни ўтда кўрдим, дедим: «Нима қилган эдинг қуйдиришмоқда?» Деди: «Чаманзорда бир дам қулгандим!»**

● Фарзанд ота-она учун жондир. Борди-ю фарзанд ноқобил бўлса, озори жондир. Ёмон фарзанд ота-она учун бадандаги ортиқча бармоқ, кесиб ташласа оғрийди, тек қўйса, айб саналади.

Фарзанд ота-она кўзининг меҳриғиёси бўлса ҳам, ноқобил бўлса, хас-хашак билан баробардир. Донулар айтадиларки, агар фарзанд тарбия билан яхши бўлмаса, ундай фарзанднинг борлигидан йўқлиғи маъқул. Чунки бирор аъзони илон қачиб олса, уни кесиб ташламаса, у аъзо ўз эгасининг душмани бўлади ва ўлимига сабабчи бўлади.

Байт: **Фарзанд чикса агар ноқобил, ёмон, Илон боққан билан тенгдир бегумон.** ҲИКОЯТ. Қулардан бир кун денгиз остида бир қора тош гавҳар билан мунозара қилишга киришди ва мактабиди деди:

— Дарё биз билан ҳаё, денгиз биздан сувга тўлаю, шитобдир. Ўзим мушкин ранглиман, қошлар қорасига ўхшайман, офтоб талъат гўзаллар юзидаги қора хол ҳам менинг рангим каби қора, кўзларининг қорачиги эса рангим каби сара, хинд паризодларига кўз қисаман, яшил либосларига қора нуқта бўламан. Сен эса оқ ранглисан, менинг олдимда рангинг бир пулди.

Шу пайт уларнинг олдиға сузиб келган балиқ тошининг барча гапларини эшитди, унинг гавҳарга юраги эзилди, ҳарат тиконига оёғи қадалиб деди: — Эй гавҳар, шунчалик қадр қийматинг бўла туриб, нега тошга жавоб айтмайсан, уни лол қилмайсан?

Гавҳар деди: — Эй балиқ, қўвер, ҳақимлар сўзини эшитмаганмисан, улар шундай дейишадди: **Бор экани қуёш нури оламда, Қуёшга мактовдир, у нур ҳам дамда. Кимки ёмон деса қуёшни агар, Узи ўзи учун ёмонлик тилар.**

Агар бу қора юзли худбинлик лодфини урса ҳам, уни ҳеч

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

14 октябрдан 20 октябргача:
Замонавий санъат марказида япон керамикаси кўргазмаси ўз ишони давом эттиради. Марказ соат 10 дан бошлаб ишлайди.
«Кино олами» кинозалда томошабинлар бош ролни Эрик Роберт ижро этган АКШнинг «Рантор» ўткир сюжетли фильмини кўришлари мумкин. Кинотасма соат 12, 16 ва 18 да бошланади. Соат 14 да эса ўзбек кино усталарининг янги фильми бўлиши «Аёллар макри» лентаси намойиш этилади. Ушбу фильмда бош ролни Илчи Ортиқов ижро этган. Шунингдек, шу кунлари Том Круз иштирокидаги Американинг янги «Алоҳида фикр» жангари лентаси ҳам кўрсатилади.

15 октябрда:
Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Жорж Пуччини ижодида мансуб «Баттерфляй хоним» операси кўйилади. Томоша соат 18 да бошланади.
«Зарафшон» кино-концерт залида Гулбоҳор Эрқулованинг концерти уюштирилади. Концерт соат 12 да бошланади.

16 октябрдан 18 октябргача:
Республика кўғирқок театрида болажонлар С.Преображенскийнинг ўзбек тилидаги «Ур тўқмоқ» эртагини соат 10 ва 11 да томоша қилишлари мумкин.

17 октябрда:
«EL PASO» кинотеатрида томошабинлар «Йулдаги саргузаштлар» кунвок комедиясини мириқиб томоша қилишлари мумкин. Бош ролларни Брейкен Майер ва Шон Уильям Скоттлар ижро этади. Фильм соат 16, 19 ва 21.30 да бошланади.
«Илхом» театрида А.Пушкин асарлари бўйича яратилган «Эркин роман» спектакли соат 18.30 да бошланади.

18 октябрда:
Ўзбекистон Ешлар театрида болалар А.Антокольский пьесаси асосида сахналаштирилган «Сеҳрли жаҳоир сирин» спектаклини кўришлари мумкин. Спектакль соат 14 да бошланади.

19 октябрда:
«Зарафшон» кино-концерт залида томошабинлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Владимир Баграмовнинг «Хамма билан танҳо» музыкали комедиясида кўришлари мумкин. Комедия соат 19 да бошланади.

20 октябрда:
Тошкент оперетта театрида кундузи болалар учун Г.Гладковнинг «Бремен мусиқчилари» мусиқали эртаги (соат 11 да); тушдан сўнг эса Ф.Легар асарлари асосида сахналаштирилган «Виват, Легар, виват» (соат 17 да бошланади) спектакль-ревюси кўйилади.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида кундузи А.Хачатуряни «Чиполлино» балети; тушдан сўнг Жорж Бизенинг «Кармен» (соат 17 да) операси кўйилади.
«Зарафшон» кино-концерт залида «Аладдин» шоу-гурдухи иштирокида болалар мюзик-холлинги чизишлари (соат 13 да бошланади); тушдан сўнг Б.Шевченконинг «Хамма юлдузлар» шоу дастури намойиш этилади. Дастур соат 19 да бошланади.

Сахий заманида азалдан кучли чарм кўлқоп усталари етишиб чиқши хайрли аънаъга айланган. Руфат Расхоев 1974 йилдада хаваскорлар ўртасида дастлабки жaxon чемпиoнатида голиб чиқиб бутун кўрраи замани ахлини лол қолдирган эди. Руфат аънаъларининг издoши бўлиши профессионаллар ўртасида жaxon чемпиoни энгилмас Артур Григоряннинг ҳам ҳар бир учрашувини юртимиздаги спорт ишқибозлари орзиқиб кутушди. 14 сентябрда Германияда италиялик Стефано Зоффи энг жан Артур ўн еттинчи бор жaxon чемпиoни унвонини муносиб ҳимоя қилди. Эътиборли томони шундаки, 1996 йил февралда WBO русуми бўйича илк бор жaxon чемпиoнлигини кўлга киритган Артур Григорян қанчалик урғули рақиблар билан беллашмасин ҳамон энгилмаётти, унинг кетма-кет галабалари шарафига юртимиз мадҳияси янграмоқда. Бокс оламида «Қирол Артур» номи билан машҳур чарм кўлқоп устамиз яқинда шахримизга ташириф буюрди ва биз у билан мулоқотда бўлдик.

— Артур, Зофф устидан охириги галабагинг билан табриқлаймиз. Бирок ушбу учрашуда 12 раунд натижасига кўра фақат очколар бўйича голиб чиқдингиз. Биз рингдаги мударатидан олдин галабаларингизга кўниқиб қолган эдик...

— Галингиз тўғри. Биласизми боксда, умуман бошқа спорт турларида ҳам шундай қоида бор: машгулотлар беллашувлар билан мустақамлашиб бориши керак. Биз профессионал боксчилар ҳар бир беллашувдан 6 ҳафта олдин жиддий тайёргарликни бошлаймиз ва ҳар кун икки мартадан машгулотлар ўтказамиз. Яъни машгулотлар, тайёргарлик жараёни учрашувга қараб ташқил этилади. Режага кўра бу йил 4 та учрашув ўтказишим керак эди. Маълумки, бу йил дастлабки бахсини 5 январда ўтказиш ишончли галабага эришдим. Кейинги бахс 11 майда ўтиши керак эди. Германиянинг ёпик телеканални уни ўз мўжозиларига узатар, бинобарин бахс сарф-харажатларини ҳам кўтариши керак эди. Бирок телеканалнинг моддий қийинчиликлари сабабли ушбу бахс ўтказилмай қолди. Жaxon чемпиoнлигига даъвогар яна бир рақибим билан 17 августда Америка Қўшма Штатларида рингга тушишим керак эди. Рақибимнинг бетоб бўлиб қолганлиги сабабли ушбу бахс ҳам қолдирилди. Шундай қилиб 9 ой 9 кунлик танаффусдан сўнг фақат 14 сентябрдагина рингга чиқдим. Шу сабабдан ушбу бахс мен учун бирмунча қийин кечди. Рингга чиққан илк соғиналардаёқ ишқибозлар билан тўла залга назар ташлар эканман, қанчалик узоқ вақт бу ерда бўлмаганлигимни ҳис этдим. Бир сўз билан айтганда, ҳамма иш режадагидек кетганида, белгиланган учта бахсини бекуму кўст ўтказганимда рақибим устидан 6-7 раундлардаёқ галаба қозонишим мумкин эди.

Ушбу беллашувдан сўнг менежеримга йил охиригача яна битта учрашув ташқил қилиб беришини айтдим.

Маълумки, инсон турмуши ва саломатлик даражалари бир-бирига пайваста бўлиб, чамбарчас боғлиқ кетган жараёндир. Инсон ҳаётини фаоллаштиришнинг энг муҳим шарти бўлиши саломатлик инсонларнинг турмуш даражасига, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўп даражада боғлиқдир. Шу сабабли, асаб тизимининг хасталиги, руҳий-эмоционал ҳолатининг беқарорлиги фақат ўзинча чегараланган касаллик бўлиб, кўпгина хасталиқларга, қон босими, гипертония, атеросклероз, мия инфаркти, миёга қон қуйилиши, юрак инфаркти, меъда яраси, неврозлар каби касалликларга олиб келади. Буларнинг барчаси ижтимоий-иқтисодий турмушнинг ҳамма соҳаларида Мустақил мамлакатимизни такомиллаштиришни, соғлом турмуш тарзининг моддий, маънавий, ижтимоий ва тиббий-гигиеник асосларини тўғри ташқил қилишни тақозо этади.

Оқорида қайд этилган хасталиқлар ва зарарли омиллар асаб касалликларининг содир бўлиши ва унинг «ёшариши» да асосий сабабчилардир. Жaxon соғлиқни сақлаш ташқилоти маълумотларига қараганда ер кўрасида яшовчи ҳар 4-5 кишидан бири асаб касаллиги ёки у ёки бу кўринишдаги руҳий хасталикка чалинган.

Бош мия томилари касаллиги Ўзбекистонда ҳам тиббий ва ижтимоий муаммога айланмоқда. Айниқса, кейинги ўн йилликлар мобайнида мия томир касалликлари кескин ошиб кетди. Мия инсультини хавфли ногиронликка сабаб бўлувчи оғир касалликдир. Мияни озиклантирувчи қон томиларининг қисилиб-бекилиб қолиши оқибатида миянинг маълум қисмларига қон бориши тўхтайдиган ва шу жойлар қонсизланади. Бундай ҳолларда олий нерв фаолияти бузилиш даражаси ва нечоғлиқ оғирлиги бош миянинг зарарланган жойига қараб ҳар хил бўлади. Миянинг муайян қисмлари яъни ҳаракат маркази қонсизланса, фалажликка — оёқ-қўл ва гавданинг мадорсизланишига ёки ҳаракатни бутунлай йўқотишига сабаб бўлади; иккинчи бир жойи яъни мияга қонсизланса, ҳаракат мувозанати бўлади; ҳулоса қилиб айтганда, мия марказларининг зарарланшига қараб маълум бир ҳолатда бемор гапиролмай қолади, бошқасида эшитиш, кўриш, хотира ёки ақлий имкониятларини йўқотиши мумкин.

Натижада соғлом, ўз вазифасини бажариб, йўнаб, қулиб юрган шахс кўпгина ёмон ҳабар, оғир мустиб асаб тушуқлиги, кўнгилсиз стресс таъсиротларидан кейин бирдангина тилдан қолади, гапга тушунмайди, қўл ва оёқлари бир тонусда фалажланади ёки ҳўшдан кетади. Бу оғир дардга 60-70 ёшли кишилар нисбатан кўпроқ дуч келадилар. 30 ёшга етмаганларда ҳам рўй бermoқда.

Биринчи Тошкент тиббиёт институти асаб касалликлари кафедрасида ва клиникасида сўнгги 20-30 йил ичида илмий изланишлар мия инфаркти муаммоларига бағишланмоқда. Олимлар олдига икки йўл туради: содир бўлган оғир мия инсультини даволаш йўлида изланавериш керак-

— Эшитишимизча, 13 декабрга қадар рингга мағлубиятга учрамасангиз Гиннеснинг рекордлар китобига кирар экансиз.

— Дарҳақиқат, 13 декабргача режалаштирилган беллашувларим йўқлиги сабабли энг узоқ мударат чемпиoнлик камарини сақлаб туриб, жaxon рекордини ўрнатган профессионал Боксини сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олишим мумкин. Нима учун айнан 13 декабргача деган саволнинг туғилиши табиий. Гап шундаки, ушбу кун менинг жaxon чемпиoни бўлган-

ЧЕМПИОН БИЛАН УЧРАШУВ



лигимиз 6 йилу 8 ой тўлади ва ҳеч ким бунчалик мударат ўз чемпиoнлигини сақлаб қолмаган.

— Утган йиллар давомида профессионал рингга чемпиoн сифатида қатарасига ўн етти бор галабалар нашидасини сурдингиз. Бунинг ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган жуда мураккаб ва фахрли чўққи сифатида таърифлаш мумкин. Айтингчи, шу беллашувлар орасида энг эсда қоларлиги қайсиниси бўлган?

— Америка Қўшма Штатлари вакили, қора танили моҳир чарм кўлқоп устамиз Майкл Кларкин 5-раундда чўқур нокаутга учратиб, қозongan галабам узоқ вақт хотирамда сақланиб қолади. Нега деганда бу мен кучли рақибимни жиддий нокаутга учратган илк беллашувим эди. «Жанг»дан сўнг, журналистларга интервью бериб бўлганимдан кейингина рақибим ўзинга келиб ўрнидан туршига муваффақ бўлди.

— Шу йил 20 октябрда 35 ёшга тўлишингиз муносабати билан муштарийларимиз номидан табриқлаймиз. Айтингчи, шу ёшгача тетик ва бардам ҳолда чемпиoнлик тожини

етишмаслигига боғлиқ эканлигини дарров билиб ололмайдилар. Натижада касаллик жадаллашиб кетиб, янги ва янги аломатлар қўшили боради. Хотиранинг пайсаяиши, диққат-эътибор сусайиши ва фикрни жамлаш қийинлашиши рўй беради. Ана шу пайтдаги қилинган зарур муолажа фаол ижодий ва жисмоний фаолиятни тиклашга кафолат беради.

Иккинчи муҳим дарракчи куйидагича кўринишда рўй беради. Кўл ёки оёқ кўтилмаганда ушиб ёки дармонсизланиши ёки тўсатдан гапиролмай қолиши, чакраси илгасмаслик каби ҳолатлар пайдо бўлиб бу ҳолатлар бир неча минут, айрим вақтларда бир неча соат давом этади ва исиз ўтиб кетади. Бундай ҳолларда беморлар касаллик ўтиб кетдию деб, бунга эътибор бермайдилар. Шифокорлар бу ҳуружларни кейинчалик бундан ҳам оғирроқ аҳолга олиб келиши мумкинлигини бе-

морга ўқирсалар-да, бахтга қарши уларнинг кўпчилиги ўз ҳолатини қанчалик муҳимлигига эътибор бермайдилар. Лекин бу ҳолат бир неча кун ёки ҳафта, баъзан йиллардан кейин яна бу беморда қайта содир бўлади ва олдингидан узоқроқ, оғирроқ кечади.

Учинчи гуруҳ белгилар асорати оёқ-қўл фалажига олиб келувчи бош мияни оғир инсультга ўхшаган бўлиб бошлансада лекин, ундан катта фарқ қилади. Бу ҳолларда бир неча кун мобайнида даво-тадбирлар натижасида теъда тузалиш аломатлари рўй беради: йўқотилган ҳаракат теъда тиклана бошлайди, ўзгарган олий асаб фаолиятлари ҳам тикланади. Мия инфарктининг бу оғир даракчи «кичик инсульт» деган давридан кейин профилактик даво усуллари ўтказиш жуда ҳам зарур.

Касаллик қақирувчи тўртинчи гуруҳ белги энг оғир асорат бўлиб, дисциркулятор энцефалопатия деб номланади. Бир неча марта рўй берган мия қон айланishi ўтиб кетувчи бузилиши ва кичик инсультларнинг оқибатидир. Бунда хотира сустлашади, кайфият ланж, арзимган сабабларга кўра кўч ёши қилиш, фикр тарқоқлиги ва диққат-эътибор паршонлиги, бошининг ўқтин-ўқтин оғриши, бош айланishi, юрганда мувозанат бузилиши каби ҳолатлар содир бўлади. Бу ҳолатларни вақтида аниқлаб, максдага мувофиқ, давои тезроқ бошлаш муҳим аҳамиятга эга. Врач ҳам, беморнинг ўзи ҳам айтувчи ўтган белгиларни келтириб қақирувчи сабабларга жиддий эътибор қилишлари зарур. Бу белгилар қон босими касаллигини, мия қон томиларининг аялганлигини, бош мия томиларининг атеросклеротик ўзгариши туғайли пайдо бўлиши мумкин. Мия хасталигига сурналма спиртли ичимликни истеъмол қилиш ҳам асосий сабаб бўла олади. Даволаш тадбирлари аввало ана шу сабабчи омилларни бартараф этишга йўналтириш зарур. Шу тарихка энг оғир ва хавфли саналган мия инсульт касаллигини энгилш мумкин.

Ханифа ХАЛИМОВА, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти неврология кафедрасининг мудирини, тиббиёт фанлари докторини, профессор.

ни кўлга киритдилар. Фалиблар Республика Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг диплом ва Фахрий Ерликлари, пул мукофотлари билан тақдирландилар. Кўлга киритилган бу ютуқда ва командани мусобақага тайёрлашда майор Юриш Пак, жамоа сардори Дилшод Бозорбоев, кутқарувчи альпинистлардан Мансур Тўлаганов, Рауф Хисомов, Аббос Аббосов, Рустам Каримов, Зафар Ормонов, Алишер Махмудовларнинг хизмати катта бўлди.

Ўткир САИДОВ, Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси матбуот марказининг раҳбари.

шлаб тура олишингиз, ринггаги қаққон ва шиддатли ҳаракатларингизнинг «сирини» нимада? Умуман, боксда галабалари таъминлайдиган энг муҳим омилни қандай тавсифлайсиз?

— Шундай бақувват, девкомат босқичлар борки, гарчи 12 раунд беллашшига тайёр бўлса-да, рингга чиққан ҳажжонларнинг, ўзини йўқотида ва 5-6 раунд ичида бутунлай чарчаб қолади. Зеро, боксда, спортнинг бошқа турлари каби энг муҳим омил руҳий тайёргарликдир. Мен рингга чиқишим биланок барча ҳажжонлар унутилади ва бутун диққат-эътиборим баҳсга қаратилади. Бундан ташқари боксда жуда эътиборли бўлиш, ўзини галабага тайёрлаш керак. Таърибга йиллар ортидан келади. Ва боксини ўзини-ўзи руҳий жиҳатдан тайёрлашни ўрганиши лозим. Техник ва тактик маҳорат эса руҳий тайёргарлик билан уйғунлашиб, кишини галаба сари етақлайди. Бир сўз билан айтганда спортнинг яққураш турларида руҳий тайёргарлик жамоавий турларига қараганда ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, футболчи чарчаси уни алмаштириш мумкин, бироқ боксчи ёки курашчи фақат ўз кучи, иродасига таянишига тўғри келади. Шунингдек, рингга мурабий танаффус чоғларида энг керакли сўзларни айтиб, боксчини кўллаб туриши, зарур йўл-йўриқлар кўрсатиши керак бўлади.

— Артур кўпчилик ишқибозлар сизни рингги мағлубият аламини тотманг ҳолда тарк этади, дея умид қилишад. Профессионал бокс билан ҳали шуғулланасизми?

— Ҳозирча куч-қувват, маҳоратим бор экан рингчи тарк этиш ҳақида ўйлаётганим йўқ. Камарида 1-2 йил катта спортда бўлиш ниятим бор. Хар ҳолда рингчи ютқазмаган ҳолда тарк этишга ҳаракат қиламан.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Менежерим «санда мураббийлик қилиш хислатлари бор, спорт билан хайрлашганимдан сўнг шу ерда қолиб устозлик қилсанг», деган таклифини билдиряпти. Бирок меннинг ниятим қаддон шахрим Тошкентга келиб, насиб этса профессионал бокс клубини очиб, ёшларни тайёрлашдир. Шунини айтиш кераки Ўзбекистонда хаваскорлар ўртасида жуда кучли мураббийлик бор, лекин профессионал бокс, бу — жуда бошқача олам. Бинобарин, ўзимизда профессионал боксчилар ва уларнинг устозларини тайёрлашнинг вақти келди. Шарт-шароитлар тўғри келса шу ишларни амалга ошириш ниятим бор. Ҳозир эса келгуси жангларимга муносиб тайёргарлик кўриш ўй-хаёллари билан бандман.

— Келгуси режаларингиз амалга ошиши ва рингги мағлубиятсиз тарк этишингизга тиллақдосимиз.

Суббатдош Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТДА: Артур рафиқаси Ольга Григорян билан. Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ДИҚҚАТ, ВИКТОРИНА!

«Теннис ҳақида нима биласиз?»

Якин кунларда шахримизда теннис бўйича Осиё чемпиoнати ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамда «Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорликда «Осиё теннис ҳақида нима биласиз?» мавзусидаги викторинани ташқил этмоқда.

Викторинамиз шартлари оддий — фақат бештагина саволга жаоб топиш керак бўлади. Улар қуйидагича:

- 1) Каерда ва қачон теннис бўйича биринчи Осиё чемпиoнати ўтказилган?
- 2) Ўзбекистон Халқаро теннис федерацияси таркибига қачон кирган?
- 3) Осиё чемпиoнати голиби қайси турнир «Wild card»-ини олишга муваффақ бўлади?
- 4) 2001 йилги Осиё чемпиoнатиининг голиби ким бўлган?
- 5) Тошкентда ўтказиладиган чемпиoнати голибини аниқлашга уриниб кўринг (аёллар ва эркеклар ўртасида)

Муҳтарам газетхонлар, сизларга кичкина бир сирни ошкор қилмоқчимиз. Агарда спорт оламига оид чоп этилаётган мақолаларни кузатиб борсангиз, осонгина голибликни кўлга киритишингиз мумкин.

Газетамиз саҳифаларида ўзингизни синая кўринг ва сизни Ўзбекистон теннис федерациясининг аждоиб совғаси кутмоқда. Лекин бу ҳақда кейинги сонларда хабар беришимиз. Газетамизни кузатиб бориң.

Жаобларингизни 18 октябрга қадар куйидаги манзилга жўнатинг: Матбуотчилар кўчаси, 32, 2-қават, 222-хона, телефон: 133-99-42

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тадбиркорликни ривожлантириш ва ички ишлаб чиқаришни кўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимияти куйидаги йўналишларда биргаликда иш юритиш учун тадбиркорларни таклиф қилади:

1. Балиқ етиштириш соҳасида;
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасида;
3. Гул етиштириш соҳасида.

Тошкент шаҳри ҳудудида импорт истеъмол товарларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан киритилган ва 2002 йил 31 августда 1169-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатга олинган «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб кириш ва сотиш низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларга мувофиқ 2002 йил 10 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ҳудудида истеъмол товарларининг улгуржи савдоси ҳуқуқини берувчи сертификат расмийлаштириш жорий этилди.

Истеъмол маҳсулотларининг улгуржи савдоси ҳуқуқини берувчи сертификат расмийлаштириш жорий этилди. энг кам иш ҳақининг уч баробар миқдорига тенг қилиб белгиланган.

Юридик ва жисмоний шахсларга истеъмол товарлар билан улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатни расмийлаштириш ва ҳисоботини олиб бориш Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг туман бошқармалари томонидан, тасдиқлаш эса туман ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

Истеъмол товарларини улгуржи сотиш ҳуқуқини олиш учун департаментнинг туман бошқармаларига ариза билан куйидаги илова этилган ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

- а) Юридик шахслар томонидан:**
 - Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 - маҳсулотларни сақлаш, йиғиш, саралаш ва жамлашни таъминловчи тегишли моддий-техник базасининг мажбулдигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (мулкчилик ҳуқуқи далолатномаси ёки бино ижараси ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар);
 - улгуржи сотиш ҳуқуқини берувчи миқдорда йиғим тўлагани ҳақида гувоҳлик берувчи банк ҳужжати нусхаси;
 - ўз дистрибуторларининг мувофиқ шаклдаги раҳбарнинг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган рўйхати.
 - б) Яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан:**
 - Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 - банкда ҳисоб-китоб рақамининг мажбулдигини тасдиқловчи ҳужжат;
 - сотиш ҳуқуқини берувчи миқдорда йиғим тўлагани ҳақида гувоҳлик берувчи банк ҳужжати нусхаси;
 - ўз дистрибуторларининг мувофиқ шаклдаги, яқка тартибдаги тадбиркорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган рўйхат.
- Тақдим этилган ҳужжатлар Департаментнинг туман бошқармалари томонидан 5 иш куни мобайнида кўриб чиқилган ва улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи сертификатлар расмийлаштирилади.
- Мурожаат учун телефонлар:**
1. Акмал Икромов тумани — 74-16-71
 2. Бектемир тумани — 195-04-07
 3. Миробод тумани — 54-95-02
 4. Мирзо Улугбек тумани — 68-14-67
 5. Собир Раҳимов тумани — 45-65-07
 6. Сергели тумани — 57-14-96
 7. Чилонзор тумани — 76-76-24
 8. Ҳамза тумани — 96-54-85
 9. Шайхонтоҳур тумани — 41-33-60
 10. Юнусов тумани — 137-54-11
 11. Яққасарой тумани — 54-79-38

«050» Хамшаҳарларимиз — биринчи

Бўстонлик туманининг Чимён тоғлари бағрида Ўзбекистон Фавқуллода вазиятлар вазириликнинг ташаббуси билан кутқарувчиларнинг Республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган қаққонлик ва жасурлик талаб этувчи ва қизиқarli мусобақада республика вилоятларидан келган 16 та жамоа аъзолари беллашдилар. Мусобақаларда «Кутқарув хизмати» ходимларининг касб маҳоратлари тобора ошаётганлиги яққол сезилиб турди. Кутқарувчилар альпинистлик бўйича, тоғдан тушиш, авария ҳолатидаги бинодан одамларни чиқариш, тош ва бетон плиталар тағида қолган фуқароларга биринчи ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз касб маҳоратларини намойиш этишди.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.